

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўқув ишлари бўйича проректор
Профессор————Тешаев О.Р.
« —» « —» «————»2017 й.

**Анатомия, Клиник анатомия кафедрасининг талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида
НИЗОМИ.**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343 –сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига , Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги 2009 йил 11 июндаги 240-сонли, 2010 йил 25 августдаги 333-сонли, 2013 йил 13 декабрдаги 470- сонли ва 2014 йил 26 декабрдаги 14-сонли буйруқлар ва Низомларга мувофиқ ҳамда Тошкент тиббиёт академиясида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига асосан, Анатомия ва Охта кафедраси Анатомия фани бўйича тахсил олаётган талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

Ўқув жараёни модуль тизимига асосланган ҳолда ташкил этилганида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланиши мумкин

I. Умумий қоидалар.

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад фаннинг таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш , талабаларнинг Анатомия фанини ўзлаштиришда бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш , уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.
2. Фаннинг рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
 - а) талабаларда Давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш
 - б) талабалар билими , кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари : Давлат таълим стандартларига асосланганлик , аниқлик, ҳаққонийлик , ишончлилиқ ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш
 - в) фаннинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш

- г) талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.
- д) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш , ҳамда натижаларини вақтида маълум қилиш
- е) талабаларнинг тиббий биологик фанлар бўйича комплекс ва узликсиз тайёргарликларини таъминлаш.
- ж) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.
- з) фан бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Назорат турлари ва уларни амалга ошириш тартиби.

Анатомия фанидан назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари Тошкент тиббиёт академияси да талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга асосланиб, кафедра мудирини тавсиясидан сўнг, кафедра мажлисида барча ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, қабул қилинган қарор, факультет ўқув услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади , ҳамда фаннинг ишчи дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

5.Рейтинг назорати жадваллари , назорат тури , шакли сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл , шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар Анатомия фани бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

6.Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

Жорий назорат– Талабанинг Анатомия фани мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули.

-Жорий назорат –Анатомия фанининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотда оғзаки сўров, тест ўтказиш, уйга вазифа сифатида талабалар тайёрлаб келган альбом расмларини текшириш ва суҳбат ўтказиш, амалий кўникмалар орқали назорат ўтказиш шаклларида ўтказилади.

Оралиқ назорат – семестр давомида фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган ҳолда , яъни бўлимлар тугаши ва фаннинг семестр бўйича умумий соати 72 соатдан ошқ бўлганини ҳисобга олиб , даволаш, тиббий профилактика ,тиббий педагогика ,тиббий биология факультети талабалари (84 соат) учун, икки марта ўқув семестрининг 9-16 ҳафталаарида , ОМХ факультети талабалари учун (54 соат) бир марта ўқув семестрининг 16 ҳафтасида оралиқ назорати ўтказиш кўзда тутилади.

Оралиқ назорат шакли Анатомия фанидан тест ва оғзаки сўров шаклида билетлар орқали ўтказилиши лозим бўлади.

Яқуний назорат – Семестр якунида Анатомия фани бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштирилиши

даражасини баҳолаш усули икки хил компьютер тест ва ОТКС шаклида муляж фантом ва расмлар орқали ўтказилади.

Оралиқ назорати ўтказиш жараёнида факультет деканати хабардар қилиниб , деканат томонидан тузилган комиссия оралиқ назоратини ўтказиш ишини ўрганиб бориши учун кафедра томонидан шарт шароитлар яратиб берилади .

Яқуний назорат ўтказиш вақти ички назорат ва мониторинг бўлими ва ўқув услубий бошқарма раҳбарлигида тузилган комиссияни хабардор қилинган ҳолда ва яқуний назоратни ўтказиш жараёнини холис ва адолатли ўтишини ўрганиб бориш учун шарт шароитлар яратилиб берилади.

Агар яқуний назорат ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда академия ректори буйруғига асосан яқуний назорат натижалари бекор қилинади ва яқуний назорат қайта ўтказилади.

Баҳолашнинг тартиби ва мезонлари.

Талабаларнинг билим савияси , кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг Анатомия фани бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Анатомия фани бўйича талабанинг жорий, оралиқ ва яқуний назоратлари , семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади

Талабанинг фан бўйича семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Яқуний назоратга -30 балл;

Жорий назоратга- 50 балл;

Оралиқ назоратга -20 балл;

Анатомия фани хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оралиқ назорат икки босқичда компьютер тести ва оғзаки сўров билетлар орқали ўтказилади.

Компьютер тести орқали синовдан мувофақиятли ўтган талаба оғзаки топширишга рухсат берилади.

Яқуний назорат сўнги семестрда ,икки босқичда , яъни ОТКС сўнгра тест марказида тест топширишга рухсат берилади. Яқуний назоратнинг ҳар икки босқичига 15 баллдан ажратилади. Ҳар бир босқич 100 баллик тизимда баҳоланиб 55 балл ўтиш бали этиб ҳисобланади.. Талабанинг рейтинг дафтарчаси ёки талабанинг рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимида алоҳида қайд қилинадиган ўзлаштириш даражаси 100 баллик тизимда баҳоланади.

Талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичинин назорат қилишда қуйидаги намунавий мезонлар орқали белгиланади

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим :

хулоса ва қарор қабул қилиш;

ижодий фикрлай олиш;

мустақил мушоҳада юрита олиш;

олган билимини амалда қўллай олиш;
 моҳиятини тушиниш;
 билиш, айтиб бериш ;
 аниқ тасаввурга эга бўлиш

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим :

мустақил мушоҳада юрита олиш;
 олган билимини амалда қўллай олиш;
 моҳиятини тушиниш;
 билиш, айтиб бериш ;
 тасаввурга эга бўлиш

в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим :

моҳиятини тушиниш;
 билиш, айтиб бериш ;
 тасаввурга эга бўлиш

г) қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиш мумкин:

аниқ тасаввурга эга бўлмаслик
 билмаслик

намунавий мезонларга асосан Анатомия фанидан жорий ва оралик назоратлар бўйича қуйидаги аниқ мезонлар ишлаб чиқилди ва кафедра мажлисида муҳокама қ кафедра қилиниб , кафедра мудири томонидан тасдиқланди ва талабаларга эълон қилиниши тавсия этилди.

Талабалар билимини жорий баҳолашда қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

Ўзлаштириш (%) ва балларда	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
96-100	Аъло «5»	<p>Машғулот мавзуси бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, турли манбалардан олинган қўшимча маълумотларга бой, билим ҳажми дастур доирасидан чиқади. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни тўлиқ ўзлаштирган ва қўшимча адабиётлар билан таниш. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаради. Вазиятли масалаларни ечишда ижодий фикрлайди, аниқ жавоб беради ва жавобини мантиқан асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Мавзу бўйича биология,гистология нормал физиология ва биокимё фанларидан олган билимларини умумлаштиради, мустақил хулоса ва қарор қабул қила олади. Интерактив ўйинларда фаол ва ижодий қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини</p>

		<p>қўллайди, препаратлар элементларини аниқ билади, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзуни мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Реферат мавзуси ҳар томонлама ва тўлиқ очиб берилган, матн мантиқий кетма-кетликда ифодаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар мавжуд.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, уларни ечишда ижодий ёндошган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p> <p>Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш:</p> <p>Талаба ТИЖда мустақил тажрибалар олиб борган ва олинган натижаларни алоҳида қайд этган, статистик ишловдан ўтказган ва ушбу тадқиқот иши бўйича мустақил, аниқ, мантиқий асосланган саводли хулосалар чиқарган. Талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплаган, таҳлил қилган, тизимлаштирган. Тайёрлаган мақола, тезис ёки маърузаси талабанинг тажрибада олган илмий натижалари ва адабиёт маълумотлари тахлилига асосланган.</p>
91-95	Аъло «5»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, дастур доирасида, мантиқан асосланган, ишонч билан жавоб беради. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни тўлиқ ўзлаштирган ва қўшимча адабиётлар билан таниш. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Интерактив ўйинларда фаол ва ижодий қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, б препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзуни мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.)</p>

		<p>фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Реферат мавзуси ҳар томонлама ва тўлиқ очиб берилган, матн мантиқий кетма-кетликда ифодаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар мавжуд.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, организаерларни тўғри ечган, уларни ечишда ижодий ёндошган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p> <p>Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш:</p> <p>Талаба ТИЖда мустақил тажрибалар олиб борган ва олинган натижаларни алоҳида қайд этган, статистик ишловдан ўтказган ва ушбу тадқиқот иши бўйича мустақил, аниқ, мантиқий асосланган саводли хулосалар чиқарган. Талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплаган, таҳлил қилган, тизимлаштирган. Тайёрлаган мақола, тезис ёки маърузаси талабанинг тажрибада олган илмий натижалари ва адабиёт маълумотлари тахлиliga асосланган.</p>
86-90	Аъло «5»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, дастур доирасида, мантиқан асосланган, ишонч билан жавоб беради. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни тўлиқ ўзлаштирган ва қўшимча адабиётлар билан қисман таниш. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Реферат мавзуси тўлиқ очиб берилган, матн мантиқий кетма-кетликда ифодаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар мавжуд.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, организаерларни тўғри ечган, уларни ечишда ижодий ёндошган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p> <p>Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш:</p>

		<p>Талаба ТИЖда мустақил тажрибалар олиб борган ва олинган натижаларни алоҳида қайд этган, статистик ишловдан ўтказган ва ушбу тадқиқот иши бўйича мустақил, аниқ, мантиқий асосланган саводли хулосалар чиқарган. Талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплаган, таҳлил қилган, тизимлаштирган. Тайёрлаган мақола, тезис ёки маърузаси талабанинг тажрибада олган илмий натижалари ва адабиёт маълумотлари таҳлиliga асосланган.</p>
81-85	Яхши «4»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, дастур доирасида, ишонч билан жавоб беради. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни яхши ўзлаштирган. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, барча препаратлар ташхисотини босқичма-босқич тўғри амалга оширади, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p>
76-80	Яхши «4»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби дастур доирасида. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни яхши ўзлаштирган. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозаралар ва интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, барча препаратлар ташхисотини босқичма-босқич тўғри амалга оширади, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p>

		<p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p>
71-75	Яхши «4»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби дастур доирасида. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирган. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослашда бирмунча қийналади. Мавзу муҳокамаси, мунозаралар ва интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, препаратдаги тузилмаларни тўғри кўрсатади ва тушуниб чизади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p>
66-70	Кониқарл и «3»	<p>Жавоби дастурнинг 60-70%ни ташкил қилади. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга, қўшимча саволларга жавоб тўлиқ эмас. Вазиятли масалаларни ечишда айрим хатоликларга йўл қўяди. Интерактив ўйинларда суст қатнашади.</p> <p>Мавзуга оид анатомик препаратларни кадамма-кадам ташҳислашда айрим хатоликларга йўл қўяди, препаратдаги тузилмаларни тўғри кўрсатади, лекин асослашда қийналади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган. Мавзу моҳияти ёритилган, аммо арзимас камчиликлар мавжуд.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавобни асослашда қийналади. Жадвалларни тўлдиришда арзимас камчиликларга йўл қўйган.</p>

61-65	Қониқарл и «3»	<p>Жавоби дастурнинг 55-60%ни ташкил қилади. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни қисман ўзлаштирган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга, қўшимча саволларга қисман жавоб беради. Вазиятли масалаларни ечишда айрим хатоликларга йўл қўяди. Интерактив ўйинларда суст қатнашади.</p> <p>Мавзуга оид анатомик препаратларни қисмларини кўрсатишда хатоликларга йўл қўяди, препаратдаги аъзонинг номини тўғри айтади, лекин асослашда, айрим тузилмаларни кўрсатишда қийналади.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзуни мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган. Мавзу моҳияти ёритилган, аммо қатор камчиликлар мавжуд.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни ечишда айрим хатоликларга йўл қўйган, жавобини асослай олмайди. Жадвалларни тўлдиришда камчиликларга йўл қўйган.</p>
55-60	Қониқарл и «3»	<p>Жавоб дастурнинг 50-55%ни ташкил қилади, қўшимча саволларга жавоб йўқ. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни қисман ўзлаштирган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга, қўшимча саволларга қисман жавоб беради. Вазиятли масалаларни мустақил еча олмайди. Интерактив ўйинларда суст қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни қисман эгаллаган, анатомик препаратдаги аъзо номини тўғри айтади, лекин тузилмаларни кўрсата олмайди, препаратлардаги тузилмаларни чизмада тасвирлашда хатоликларга йўл қўяди.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзуни мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p> <p>Реферат тайёрлаш. Талаба асосий адабиётлардан фойдаланиб материаллар йиғган, аммо таҳлил қилмаган. Мавзу моҳияти ёритилмаган.</p> <p>Ижодий ишлаш. Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни мустақил еча олмайди, жавобини асослай олмайди. Жадвалларни тўлдиришда камчиликларга йўл қўйган.</p>
31- 54	Қониқарс из «2»	<p>Жавоб дастурнинг 30-40%ни ташкил қилади, назарий саволлар бўйича аниқ тасаввурга эга эмас. Қўшимча саволларга жавоб йўқ. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирмаган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасавури чалкаш. Вазиятли масалаларни еча олмайди. Машғулотла берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайди.</p>

		<p>Анатомик препаратдаги тузилмаларни тушунмайди, номини айтиб беролмайди, ўқитувчи сўраган тузилмаларни препаратдан топиб, кўрсата олмайди, уларнинг тузилиши ҳақида фикрга эга эмас.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва расм чизиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</p> <p>Расмлар тўлиқ чизилмаган Реферат учун материаллар тўплаган, лекин ёзмаган. Вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни еча олмайди.</p>
0-30	Қониқарс из «2»	<p>Жавоб дастурнинг 20-30%ни ташкил қилади, саволларга жавоб йўқ. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирмаган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга эмас. Вазиятли масалаларни еча олмайди. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайди.</p> <p>Анатомик препаратдаги тузилмаларни тушунмайди, номини айтиб беролмайди, ўқитувчи сўраган тузилмаларни препаратдан топиб, кўрсата олмайди, уларнинг тузилиши ҳақида фикрга эга эмас.</p> <p>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва расм чизиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш.</p> <p>Расмлар чизилган ва реферат учун материаллар тўпланмаган, таҳлил қилинмаган. Вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни еча олмайди.</p>

Талабанинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқлар бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг Анатомия фан бўйича бир семестрдаги рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_i = \frac{V \times O'}{100}$$

V-семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юклагаси

O'-фан бўйича ўзлаштириш даражаси(балларда)

Анатомия фани бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55% саралаш балл этиб белгиланади ва бунда жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 ва ундан юқори фоизини тўплаган талабалар Анатомия фани бўйича якуний назоратга киритилади.

Талабанинг семестр давомида Анатомия фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

Назорат турларини ўтказиш муддати.

Оралиқ ва якуний назорат турлари календарь тематик режа асосида деканат ёки ўқув бўлими(ўқув услубий бошқарма) томонидан тузилган

рейтинг назорати жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириг икки ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

Талаба фан бўйича мустақил ишни ушбу фан бўйича якуний назорат белгиланган кунгача топшириши шарт.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш балидан кам кам балл тўплаган талаба узрли сабабларга кўра назоратларга қатнаша олмаган талаба қайта топшириш учун , навбатдаги шу назорат туригача , сўнги оралиқ ва якуний назоратларгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнаша олмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий оралиқ ва якуний назоратларн топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида , ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида Анатомия фани бўйича жорий оралиқ ёки якуний назорат турларининг ҳар бири бўйича саралаш баллидан кам тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан сўнг) баҳорги семестр натижалари бўйича , эса талабаларнинг ёзги таътили ҳамда профессор –ўқитувчиларнинг меҳнат таътилидан сўнг) қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади.Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсияси ва белгиланган тартибга кўра ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса , фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет декани тақдимномасига мувофиқ ректор буйруғи билан уч (3) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабалар аризаларини кўриб, шу куннинг ўзида хулосаларини билдиради.

Баҳоланинг ўрнатилган талаблари асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани , кафедра мудири , ўқув бўлими ва ички назорат ва мониторинг бўлими томиндан назорат қилинади.

Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби.

Талабанинг Анатомия фани бўйича назорат турларида тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчаси ёки талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизимининг « Ўқув режасида ажратилган соат» устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари « Фандан олинган баҳо» устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириш қўйилади.

Талабанинг ўзлаштириш рейтингидан паст бўлган ўзлаштирилиши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Анатомия фани бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ журнал ива ҳамда қайдномада қайд этилади ва у куннинг ўзида талабалар эътиборига етказилади.

Якуний назорат натижаларига кўра ҳар бир гуруҳ ўқитувчиси талабаларнинг Анатомия фани бўйича рейтингини аниқлайди ва ҳамда рейтинг дафтарчаси ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

Талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими жорий этилган тақдирда талабаларнинг фан бўйича рейтинг , рейтинг қайдномаси ва ушбу тизимга қайд этилади.

Талабанинг рейтинг унинг билими , кўникмаси ва малакалари даражасини белгилайди. Талабалар семестр бўйича умумий рейтинг барча фанлар йиғиндиси орқали аниқланади.

Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедра деканат ва ўқув методик бўлинмаларда компьютер хотирасига киритилиб , мунтазам равишда қайд этилиб борилади.

Жорий оралиқ ва якуний назорат натижалари кафедра йиғилишлари ва факультет ва академия илмий кенашларида муҳокама этиб борилади ва тегишл қарорлар қабул қилинади.

Якуний қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест баҳолари ва рейтинг балларининг ҳолислигини текширишни ташкил этади ва назорат қилади.

Ушбу Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.